

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

**НЕМИС ТИЛИ ФАНИ БЎЙИЧА
КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА
ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКДАН ФОЙДАЛАНИШ
ЮЗАСИДАН ТАВСИЯ**

(8- синф)

ТОШКЕНТ-2011

Info – Media фирмаси томонидан 2011-2012 ўқув йили учун немис тили фанидан ишлаб чиқилган электрон ахборот – таълим ресурсидан фойдаланиш юзасидан тавсия

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб электрон дарсликлар амалиётга жорий этиб келинмоқда.

Электрон дарслик амалдаги дарсликни, аудио ва видеоматериалларни, шунингдек тестларни ўз ичига олади. Электрон дарсликнинг амалдаги дарсликдан фарқи шундаки, электрон дарсликдан ўқувчи индивидуал ҳолда фойдаланиш, мустақил билим олиш, хорижий тилда берилган матнларни тинглаш ва ўз-ўзини назорат қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса ўқувчининг хорижий тил нутқ материалларини тинглаб тушуниш малакасини ривожлантиради, шунингдек сўзларни тўғри талаффуз қилишларига кўмаклашади.

Электрон дарсликларда берилган иллюстрациялар ҳам аҳамиятга эга. Электрон дарсликдаги иллюстрациялар кўпроқ муваффақиятга олиб келади. Улар дарсликдаги иллюстрацияларга нисбатан тиниқ ва ранглидир.

Электрон дарсликда берилган видео лавҳалар ўқувчиларга ўтилаётган мавзунини тасаввур қила олишларига, аудиоматериаллар тинглаб тушунишлари, талаффуз қоидаларини эгаллашларига, икки тиллик луғат нотаниш сўзларни таржима қила олишларига ёрдам берса, тест материаллари эса ўрганилган материалларни қай даражада ўзлаштирганликларини кўрсатиб беради.

Немис тили фанидан яратилган электрон дарсликдан фойдаланишдан мақсад ўқувчиларга нафақат немис тилидаги таянч билимларни бериш, балки ўрганилаётган тилни тасаввур қилган ҳолда эгалланган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдир. Дарслар асосан амалий мақсадга йўналтирилган бўлиб, унда ўқувчи берилган назарий қоидаларни ёдлашга мажбур бўлмайдилар ва аксинча, қоидалар асосида амалий машқ бажарадилар. Назарияни ўрганиш амалий топшириқлар билан узвий боғланган бўлиши лозим. **Машқлар орқали ўқувчининг сўзларни тўғри талаффуз қилишига, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришига эришилади.**

Электрон дарсликда мавзулар ўз аксини топган. Ўқувчиларга мавзунини мустаҳкамлаш учун электрон дарсликда берилган қўшимча машғулотлар, аудио ва видеоматериаллардан уй вазифаси сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Мустақил ҳолда уй вазифаси сифатида хорижий тил электрон дарсликларида фойдаланишнинг афзаллиги қуйидагилардир:

- мустақил билим олиш
- мустақил фикрлаш
- билим самарадорлигини ошириш
- фанга бўлган қизиқишини орттириш
- тингланган аудио-видео материаллар орқали ўрганилаётган тилдаги сўзлар талаффузига амал қилиш

- вақтдан исталганича фойдаланиш
- тинглаб-тушуниш малакасини ошириш
- мамлакатшуносликка оид материалларни кўриш орқали мамлакатимиз ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат ҳақида тасаввурга эга бўлиш
- ўз билимини назорат қилишга эришиш

Электрон дарсликдан фойдаланганда ўқувчи берилган топшириқни мустақил, ҳеч кимнинг ёрдамисиз бажаришга ҳаракат қилади, бу эса ўқувчига мустақил билим олишни ўргатади.

Машқлардаги баъзи бир қийинчиликларни бартараф этишда ўқувчи синфдаги бошқа ўқувчилардан ёрдам кутмайди ва ўзи мустақил фикрлайди.

Берилган топшириқларни мустақил бажаргандан сўнг ўқувчи мавзуга оид маълумотга эга бўлади, бу эса унинг билим самарадорлигини ошишига кўмаклашади.

Электрон дарсликда берилган топшириқларни мустақил бажаргач, ўқувчи мавзунини яхши ўзлаштиради, кенгроқ тасаввурга эга бўлади ва фанга бўлган қизиқиши ортади.

Берилган матнни тинглаш орқали ўқувчи фонетик товушларни ажратади, интонацияни ўрганади, шу тилга оид бўлган сўзларнинг тўғри талаффузига риоя қилади.

Агар ўқитувчи дарсда электрон дарсликдан фойдаланса вақт чегараланган яъни 1 минут ёки кўрсатилган вақтида тугатади. Ўқувчи ўзи мустақил фойдаланганда материаллардан керагича фойдаланиши, тушунмаган, яхши англай олмаган тил материалларини такрор-такрор тинглаши ва ўрганиши мумкин.

Такрор-такрор эшитиш орқали ўқувчининг тинглаб-тушуниш малакаси ошади ва мустақил фикрлашга ўрганади.

Электрон дарсликда ҳар бир боб сўнгида берилган тестларни ечиш орқали ўқувчи олган билимини текшириб кўриши, бир вақтнинг ўзида олган билимини ўзи назорат қилиши, йўл қўйилган хатоларни мустақил тузатиши ва қайта ўзини назорат қилиши мумкин.

Ўқувчи уй вазифасини қай даражада бажара олганлиги ўқитувчи томонидан доимий назорат қилиниши ижобий самарага эришишнинг асосини ташкил этади.

Ўқувчилар мустақил бажарилишлари учун уй вазифаси сифатида тавсия этиладиган материаллар қанча вақт (минут ва секунд) давом этиши кўрсатиб берилган. Масалан: 2:41 2 минут 41 секунд.

8-синф электрон дарслигида боблар кетма-кетлиги қуйидагича берилган:

- Lektion 1 Geheimnisse unseres Universums!
- Lektion 2 Die Umwelt geht uns alle an!
- Lektion 3 Die größten Abenteuer sind im Buch
- Lektion 4 Für jedes Ohr die richtige Musik

- Lektion 5 Die Seele baumeln lassen
- Lektion 6 Blick in die Presse
- Lektion 7 In der Welt des Fernsehens
- Lektion 8 Von der größten Menschheit ein Stück
- Lektion 9 Feiern im Jahresrhythmis

8- синфда электрон дарсликдан уй вазифаси сифатида фойдаланиш учун тавсия этиладиган мавзулар қуйидагилар:

1. “Geheimnisse unseres Universums!”

2.“ Die Umwelt geht uns alle an!” бобида берилган 2,3,9,11, 14- машқлардан тинглаб тушуниш, кўриб фикр юритиш, маълумот олиш ва тингланган материалдан тушунилган мазмунни гапириш, шу орқали оғзаки нутқни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш тавсия этилади.

1- чорак 4-дарс **“Die Umweltdetektiv”** мавзуси 2- машқ. Ажратилган вақт **2:51.**

Worüber freut sich der Umweltdetektiv?

Ўқувчиларга аудиоматериални тинглаш, талаффузига эътибор бериш, мазмунини тушуниш ва гапириб бериш вазифаси берилади.

1- чорак 5-дарс **“Jugendliche über Umweltprobleme”** мавзуси 3- машқ. Ажратилган вақт 1:21.

Hört euch die Aussagen von gleichaltrigen Jugendlichen in Deutschland an. Wer spricht welches Problem an?

Ўқувчиларга аудиоматериални тинглаб, матн мазмунини тушуниш, мазмунни гапириб бериш, тингланган материал юзасидан ўз фикрини оғзаки ва ёзма билдириш вазифаси берилади. Соф немис тилида талаффуз қилинган матнни ўқувчи тинглаб тушунади ва ундан керакли маълумотларни ажратиб олади, ўқувчиларнинг нутқий кўникмалари ривожланади.

1- чорак 6-дарс **“Maßnahmen zum Umweltschutz”** мавзуси 9- машқ. Ажратилган вақт 2:54.

Hört das Lied. Worum geht es in diesem Lied?

Ўқувчиларга аудиоматериални тинглаб тушуниш, мазмунини тушуниш ва гапириб бериш, тингланган матн юзасидан ўз фикрини баён этиш вазифаси берилади.

1- чорак 7-дарс **“Wohin kommt der Müll?”** мавзуси 11-машқ. Ажратилган вақт 7:16.

Ўқувчиларга видеоматериални кўриб, тинглаб, мазмунини тушунишга ва унда нималар акс эттирилганлиги гапириш, ўз фикрини оғзаки ҳамда ёзма баён қилиш вазифаси берилади.



3. “Die größten Abenteuer sind im Buch” бобида берилган видеоматериаллар ҳамда 4- машқдан тинглаб тушуниш, кўриб фикр юритиш, маълумот олиш ва тингланган материалдан тушунилган мазмунни гапириш, шу орқали оғзаки нутқни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш тавсия этилади.

2- чорак 28-дарс **“Die größten Abenteuer sind im Buch”** мавзуси 4 – машқ. Ажратилган вақт 1:60.

Hört das Gedicht, lest es vor und vergleicht die Reaktion des Buches mit euren Vermutungen.

Берилган материалларда машҳур шоирларнинг шеърларидан намуналар ўқиб берилган бўлиб, ўқувчи уларни тинглаб тушуниши, оғзаки нутқини ривожлантириш мақсадида матн оҳанги ва талафузига амал қилган ҳолда шеър ўқиб бериши мумкин. Шунингдек ўқувчидан берилган лавҳада қайси давр акс эттирилганлигини гапириб бериш, ўқилган парча нима ҳақида эканлигини айта олиш, матн мазмунини гапириб бериш, дарсликда берилган 4- машқдаги шеър матнини соф немис тилида ўқилган матн билан қиёслаш, шеърни ифодали ўқиш вазифаси берилади.

Видеоматериалда берилган немис тилида ифодали ўқилган шеърни тинглаш, видеолавҳада нима учун бундай манзара акс этирилганлиги ҳақида ўз фикрини баён қилиш вазифаси берилади. (0:54)


Ўқувчиларга видеоматериалда берилган шеърни тинглаб тушуниш ва мазмунини қисқача гапириб бериш вазифаси берилади 1:02



2- чорак 33 -дарс “Meine Lieblingsbücher” мавзуси 4-машқ. Ажратилган вақт 1:60.

Ўқувчиларга берилган видеоматериални кўриб, тинглаб, лавҳада нималар акс этирилганлигини баён этиш, қуйидаги саволларга ёзма ва оғзаки жавоб бериш вазифаси берилади.

1. Was ist der Titel des Gedichts?
2. Woran denkt der Autor in der Nacht?
3. Was ist schnell vergangen?
- 4 Wie viel Jahre hat er die Mutter nicht gesehen?



2- чорак 37 -дарс “Poetischen Heft” мавзуси 20 -машқ. Ажратилган вақт 1:01.

Lest folgende Gedichte. „Herbsttag“ Hat dir das Gedicht gefallen/ nicht gefallen warum?

Ўқувчиларга видеоматериални кўриб, унда нималар акс этганлигини баён этиш, диктор томонидан интонация билан ўқилган шеър матнини тинглаб, талаффузига эътибор бериш вазифаси берилади. Ундан ташқари ўқувчи „Herbsttag“ мавзусида иншо ёзиши ҳам мумкин.



4. “Für jedes Ohr die richtige Musik” бобида берилган видеоматериаллар ҳамда 8,13,14,17- машқлардан тинглаб тушуниш, кўриб фикр юритиш, маълумот олиш ва тингланган материалдан тушунилган мазмунни гапириш, шу орқали оғзаки нутқни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш тавсия этилади.

2- чорак 43 -дарс “Musikinstrumente” мавзуси 8-машқ. Ажратилган вақт 1:58.

Hört ein Musikstück. Welche Instrumente erklingen? Wer ist der Komponist? Was assoziiert ihr mit dieser Musik? Macht Zeichnungen.

Ўқувчиларга тингланган куйда қандай чолғу асбоблари ишлатилганлигини топиш, чолғу асбоблари ҳақида ўз фикрини билдириш вазифаси берилади.

2- чорак 43 -дарс “Moderne Sänger und Gruppen” мавзуси 13-машқ. Ажратилган вақт 2:32. Schaut euch die Fotos an, hört Liedausschnitte und bestimmt, wer singt. Welches Lied gefällt euch am besten?

Ўқувчиларга тингланган кўшиқлар ижрочиларини 13- машқдаги расмлардан фойдаланиб топиш, жаҳон ҳамда мамлакатимиз мусиқа оламидаги юлдузлар ҳақида фикрини билдириш вазифаси берилади.

2- чорак 43 -дарс “Moderne Sänger und Gruppen” мавзуси 14-машқ. Ажратилган вақт 1:35.

Hört nun die Aussagen der deutschen Jugendlichen. Macht Notizen und formuliert in Stichworten ihre Meinungen.

Ўқувчиларга аудиоматериални тинглаб тушуниш, унда немис ёшларининг жаҳон қўшиқчилари ва қўшиқчи гуруҳлари ҳақидаги фикрларини тинглаш ва ўз муносабатини билдириш вазифаси берилади.

2- чорак 46 -дарс “Mein Lieblingsmusikstar” мавзуси 17-машқ. Ажратилган вақт 3:31 (5:51).


Ihr hört jetzt zwei Lieder. Entscheidet danach in der Gruppe, zu welchem von den beiden ihr einen CD-Einleger (Inlay) machen möchtet.

Ўқувчиларга аудиоматериалда берилган 2 та қўшиқни тинглаш, дарсликда берилган қўшиқнинг ёзма матни билан талаффузини қиёслаш, сўзларни тўғри талаффуз қилиш вазифаси берилади.

5. “Die Seele baumeln lassen” бобида берилган видеоматериаллар ҳамда 11- машқдан оғзаки нутқни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш тавсия этилади.

3- чорак 49 -дарс “Die Seele baumeln lassen ” мавзуси 11-машқ. Ажратилган вақт

Ўқувчиларга аудиоматериалда берилган куйни тинглаш, куйни тинглаш чоғида нималарни тасаввур қилганлигини, ҳис туйғуларини гапириб бериш вазифаси берилади.



6. “Blick in die Presse”

7. “In der Welt des Fernsehens” бобида берилган 6, 8, 13- машқлардан тинглаб тушуниш, тингланган материалдан тушунилган мазмунни ўзига қайд қила олиш, ўз фикрини ёзма ва оғзаки баён қилиш орқали оғзаки ҳамда ёзма нутқни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш тавсия этилади.

3- чорак 70- дарс “In der Welt des Fernsehens” мавзуси 6-машқ.
Ажратилган вақт 2:07.

Guckt ins Fernsehprogramm. Gibt es ähnliche Sendungen bei uns? Welche?

Ўқувчиларга видеоматериалда берилган лавҳани кўриб, кўрсатув қайси телеканалда берилаётгани, мамлакатимиз телеканалларида шу мавзудаги кўрсатув бор ёки йўқлиги ҳақида ўзаро фикр алмашинишга тайёргарлик кўриш вазифаси берилади.



3- чорак 72- дарс “Was sehen die Jugendlichen in Deutschland/ in Usbekistan?” мавзуси

8-машқ. Ажратилган вақт 2:29.

Und was sehen die Jugendlichen in Deutschland?

Hört das Interview.


3- чорак 72- дарс “Buch oder Film” мавзуси 13-машқ. Ажратилган вақт 1:36.

Die Begeisterung für die Abenteuer des Zauberschülers Harry Potter kennt keine Grenzen. Aber es gibt unterschiedliche Meinungen zu dem Potter-Film.

Ўқувчиларга аудиоматериалда ёшлар томонидан билдирилган фикрларни тинглаб тушуниш ва ўз фикрларини ёзма ва оғзаки билдириш вазифаси берилади.

8. “Von der größten Menschheit ein Stück” бобида берилган 5, 20-машқлар ва видеоматериаллардан тинглаб тушуниш, ўй-хаёлларини, ҳис-туйғуларини гаплар билан ифода этиш, ўз фикрини ёзма ва оғзаки баён қилиш орқали оғзаки ҳамда ёзма нутқни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш тавсия этилади.

4- чорак 79- дарс “Von der größten Menschheit ein Stück” мавзуси. Ажратилган вақт 0:53.



Ўқувчиларга видеоматериални кўриб, диктор томонидан интонация билан ўқилган шеърни тинглаб, сўзларнинг талаффузига эътибор бериш шунингдек, немис халқининг шеърият дурдоналари билан танишиш, ўзбек халқининг шеърият дурдоналари ҳақида фикр юритиш ва уларнинг муаллифлари тўғрисида ўз фикрларини ёзма баён этиш вазифаси берилади.

4- чорак 79- дарс “Von der größten Menschheit ein Stück” мавзуси.
Ажратилган вақт 2:50.

Ўқувчиларга видеоматериални кўриб чиқиб, видеолавҳада акс этган суратлар орқали Шиллер ҳаёти ҳақида гапириб бериш вазифаси берилади.



4- чорак 80- дарс “Johann Wolfgang Goethe” мавзуси. 5- машқ.
Ажратилган вақт 0:58.

Hört die Verse aus dem Buch von J.W. Goethe „West-östlicher Diwan“. Welche Bilder seht ihr vor euch? Habt ihr diese Verse in eurer Muttersprache gehört?

Ўқувчиларга аудиоматериални тинглаб, сўзларнинг талаффузига эътибор бериш, тушунганларини оғзаки ёки ёзма ифодалаш вазифаси берилади.

4- чорак 80- дарс “Johann Wolfgang Goethe” мавзуси. 5- машқ.
Ажратилган вақт 4:12. Ўқувчиларга видеоматериални кўриш, видеолавҳада қайси бастакорнинг мусиқаси янграётгани, куйни эшитганда нималар кўз олдида келганлиги ҳақида гапириб бериш вазифаси берилади.



4- чорак 80- дарс “Johann Wolfgang Goethe” мавзуси. 20- машқ. Ажратилган вақт 3:52. Hört den „Olli-Kahn-Song“. Wie stellt ihr euch jetzt den berühmten Torwart vor?

Ўқувчиларга берилган аудиоматериални тинглаш, ундаги сўзларнинг талаффузига эътибор бериш, қўшиқ матнини ифодали ўқиш вазифаси берилади.

9. “Feiern im Jahresrhythmis” бобида берилган 9, 13- машқлардан тинглаб тушуниш, мазмунни гапириб бериш, ўз фикрини ёзма ва оғзаки баён қилиш орқали оғзаки ҳамда ёзма нутқни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш тавсия этилади.

4- чорак 92- дарс “Karneval in Köln” мавзуси. 9- машқ. Ажратилган вақт 1:20.

Interview mit deutschen Jugendlichen. Wer sagt was?

Ўқувчиларга аудиоматериалдаги рождество байрами ҳақида ёшлар томонидан билдирилган фикрларни тинглаш ва ўзбек байрамлари ҳақида ўз фикрларини оғзаки ифодалаш вазифаси берилади.

9. Interview mit deutschen Jugendlichen. Wer sagt was?



4- чорак 93- дарс “Weihnachten/ Lied/ Backrezepte” мавзуси. 13- машқ.
Ажратилган вақт 2:19. Hört euch noch ein Weihnachtslied an. Worum geht es im Lied? Singt es mit.

Ўқувчиларга аудиоматериалда берилган қўшиқни тинглаш, мазмунини гапириб бериш вазифаси берилади.

Ҳар бир боб сўнггида ўқувчилар мустақил ҳолда бобга доир тест ечишлари мумкин. Тўғри ечилган тест жавоблари учун автоматик тарзда баллар билан рағбатлантирилади.

TEST ZUR LEKTION 1

Welches Wort passt nicht?

1

Raumanzug

2

Blei-Sohle

3

Schuh

4

Mondfähre

